



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz


2009 йил 24 январь, № 19 (4682)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22 январь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



ма муносабатларга алоҳида эътибор билан қаралишининг яна бир ифодасидир.

23 январь куни Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси Президентининг расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меймон шарафига фахрий қорув саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қорув сафи олдида ўтдилар.

Шундан сўнг Ислоҳ Каримов ва Дмитрий Медведевнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон — Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик ўзаро ҳамкорлик тараққийнинг муҳим омиллари экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг сиёсий ва иқтисодий алоқалари жуда фаол ва кенг қамровга эга. Халқаро майдонда икки давлат бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Бу муайян масала ва муаммоларга қарашлар ўхшаш ёки яқин эканининг натижасидир. Сиёсий ҳамфикрлик Афғонистонда тинчлик ўрнатиш муаммосида ҳам, энергетик хавфсизлик борасида ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч қарор топган.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. 2008 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов расмий ташриф билан Россияга борди. Июнь ойида МДХнинг Санкт-Петербургда ўтган норасмий саммити доирасида Ўзбекистон ва Россия Президентлари яна учрашдилар. Сентябрь ойида эса Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин Тошкентга келди.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклардир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон экспортида саноат маҳсулотларининг, хусусан, автомобилларнинг улуши (жами экспортнинг 28,6 фоизи) ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Россияга хизматлар (26,3 фоиз), мева ва полиз маҳсулотлари (16,3), табиий газ (11,3), тўқимачилик буюмлари (5,7), кимё саноати маҳсулотларини (4,1) экспорт қилади. Россиядан эса, асосан, усқуналар, ёғоч, қора ва рангли металллар, тиббиёт, микробиология ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар импорт қилинади. Аслида экспорт-импорт операцияларида қайд этиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати янада катта ва хилма-хил. Масалан, Ўзбекистон Россия тўқимачилик саноати корхоналарида пахта толаси етказиб берувчи асосий экспортчи саналади. Ўз навбатида, Россия Ўзбекистон автомобилларининг энг йирик импортчисидир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар



"Uzbekistan airways technics" авиакорхонаси хорижий буюртмачилари қаторидан Қозоғистоннинг "Air Astana" авиакорхонаси ҳам ўрин олди.

Жаҳон андозларига мос

Яқинда бу ерда янги мижозларнинг Boeing-767/300 самолёти таъмирланиб, унинг асосий шасси ўқи алмаштирилди.

Эътироф этиш кераки, Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга бундай мураккаб техник хизмат тури минтақа бўйича "UAT" авиакорхонасида илк мартаба амалга оширилди.

Кўрсатилган ушбу хизмат авиакорхона хорижий компаниялар учун жаҳон талаблари даражасида техник хизмат кўрсатувчи ишончли ҳамкор эканлигини далиллади.

Феруза ҚУРБОНОВА.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Дубайнинг "Technosat trading LLC" компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тажриба қизиқиш уйғотди

Меҳмонлар Ўзбекистонда рақамли телевидениенинг жорий этилиши жараёни билан танишдилар. Айниқса, Тошкент ва Бухорода ер устки рақамли телешиштиришлар тажриба ҳудудларини ташкил этиш бора-бора ишлаб ва уларнинг энг замонавий усқуналар билан жиҳозланганлиги юқори баҳоланди.

Ташриф давомида хорижлик меҳмонлар "Коинот" масъулияти чекланган жамиятида ҳам бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш объектлари билан танишдилар.

Элбек ДОЛИМОВ.

Гулистон шаҳрида туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда "Ursa-Minor" қўшма корхонаси ишга туширилди.

Янги қўшма корхона

Хорижий сармоядорлар мазкур корхонани ишга тушириш учун бир миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорини инвестиция қилди. Бир кеча-кундузда 30 тонна мевани қайта ишлаш ва қуритиш қувватига эга бўлган ушбу корхонада олти киши доимий иш билан таъминланди.

Айни пайтда корхонага замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш линиялари ўрнатилди. Хом ашё етказиб бериш бўйича ўндан зиёд фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланди. Бу ерда 18 турдаги рақобатбардод маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга чиқарилади.

Д. ЭСОНОВА,
ЎА мухбири.

Ўзбекистон Банк-молия академиясида бўлиб ўтган семинарда банк-молия тизимида тўловларни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, нақд пул айланмасини камайитириш, пул маблағлари ноқонуний айланишининг олдини олиш ҳамда мониторинг қилиш масалалари муҳокама этилди.

Реал вақт — реал тўлов

Мамлакатимиз Банк-молия тизими вакиллари учун мўлжалланган тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг Олий бизнес-мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Х. Мухитдинов мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологияларини хўжалик фаолиятининг барча жаҳалари, жумладан, банк-молия соҳасига жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).


КОЛЛЕКТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг семинари бўлиб ўтди. "Коллекторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мазкур йиғилишда тегишли вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари мутаассадилари иштирок этишди.

Маълумки, турли тўловларни амалга оширишда юзага келган муаммоларни бартараф этиш, айниқса, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ва қарзларни ундиришнинг бозор механизмларини яратиш ҳамда коллекторлик соҳасини ривожлантириш бугунги куннинг муҳим масалаларидандир. Шу жумладан, коллекторлик фаолияти билан профессионал тарзда шуғулланган бозор институтларини, яъни коллекторлик ташкилотларини тузиш зарурати "Коллекторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос бўлганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

20 та моддадан иборат мазкур қонун лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад қарзларни судгача ундириш



торлик ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи ваколатли орган тушунчаси киритилган. Шу билан бирга, коллекторлик ташкилотларининг бошқа ташкилотлар ҳисобидан молиялаштирилиши ҳақидаги меъёр лойиҳадан чиқарилганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, йиғинда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутаассадилари ҳамда экспертлар қонун лойиҳасини янада мукамаллаштириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Ушбу фикр-мулоҳазалар тақдирини асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, қонун лойиҳаси устида ишлаётган ишчи гуруҳга тақдим этилди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.

Айни пайтда Самарқанд вилоятида Россия билан ҳамкорликда иш юритаётган 19 та қўшма корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти энгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари тайёрлаш билан шуғулланади.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИНМОҚДА

Мазкур корхоналар томонидан ўтган йили 35 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми хорижда экспорт қилинди.

Шундай корхоналардан бири — "Ургут яшил олтини" масъулияти чекланган жамияти россиялик шериклар билан ҳамкорликда фаолият кўламни муттасил равишда кенгайтириб бормоқда. Яқинда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур жамият қошида россиялик ишбилармонлар билан пахта толаси-

ни қайта ишлайдиган қўшма корхона ҳам ташкил этилди.

Бунинг учун россиялик ҳамкорлар томонидан 17 миллион 625 минг АҚШ доллари миқдорини инвестиция қилишга тайёрланди. Бу маблағ ҳисобига янги қўшма корхонага хорижда замонавий технологиялар, асбоб-усқунлар олиб келинади. Корхона ишга туширилгач, бу ерда йилга 5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имкони яратилиб, 500 та янги иш ўрни очилади.

Абдурусул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ҚАЛБИМДА ВАТАН МАДҲИ»

2008 йилнинг декабрь ойида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик муносабати билан ҳамда Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб миллий эстрада хонандалари ўртасида «Қалбимда Ватан мадҳи» республика кўрик-танлови эълон қилинган эди.

Танлов

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа бир қатор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган мазкур танловда қатнашган 2000 нафардан зиёд моҳир ва ҳаваскор ижрочи орасидан 80 нафар хонанда сараланиб, танловнинг республика босқичига тавсия этилган.

Кеча Республика "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида танловнинг республика босқичига тайёргарлик жараёни хусусида сўз борди.

Иштирокчилар орасида 16 ёшдан 40 ёшгача бўлган маҳоратли санъаткорлар, ҳаваскор ижрочилар, олий ва ўрта махсул санъат билим юрталарининг талабалари ва ижодий жамоалари бор, — дейди "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Бош директори А. Хайдаров.

Улар танловда Наврўз умумхалқ (Давоми 2-бетда).

Ахборот тизимлари жадал ривожланмоқда

2008

йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан

156,8

фоиз ўсди.

Комплекс таркибидagi корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурларининг бажарилиши шундай ижобий натижага эришиши имконини берди.



ЖАҲОН

24 соат ичида

Товон пули тўланади

«ХАМАС» ташкилоти Газа секторидagi ҳарбий ҳаракатлар вақтида жабр кўрганларга тоовон пули тўланишини маълум қилди, дейилади «Reuters» ахборот агентлиги хабарига.



Ташкилот вакилининг сўзларига қараганда, «ХАМАС» бу ишларга 28,6 миллион евро (37 миллион АҚШ доллари) миқдорда маблағ ажратган.

Хорижликлар ўғирлаб кетилди

Нигер давлатининг Мали билан чегара ҳудудида тўрт нафар хориж фуқароси ўғирлаб кетилган.

«АФР» ахборот агентлиги маълумотларига қараганда, олиб қочилганларнинг икки нафари швейцар, бир нафари немис ва яна бири инглиз миллатига мансуб. Бу хабар Германия ва Швейцария давлатлари ташқи ишлар вазириликлари томонидан ҳам тасдиқланди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, сўнгги пайтларда мазкур ҳудудда босқинчиларнинг чет эл фуқароларини олиб қочиш ҳолати тез-тез кузатилаётган. Жумладан, ўтган йилнинг декабрь ойида худди шу жойда номаълум кимсалар БМТнинг махсус вакили Роберт Фуолерни ўғирлаб кетишганди.

Харажатларни қисқартириш мақсадида

АҚШнинг «Microsoft» корпорацияси яқин бир ярим йил ичида ходимлари сонини беш мингга қисқартиришга қарор қилди.

Бу масала корпорация раҳбариятининг иқтисодий инқирозга қарши курашиш бўйича ишлаб чиққан режасида кўзда тутилган бўлиб, асосий мақсад харажатларни қисқартиришга қаратилган. Таъкидланганича, бу тадбирлар натижасида «Microsoft» йилга бир ярим миллиард АҚШ долларига тенг бўлган маблағни тежаб қолади.

Корпорация қўлаётган бундай чора-тадбирнинг асосий сабаби кейинги вақтларда олинаётган даромад миқдорининг пасайиб кетгани билан боғлиқ дея изоҳланмоқда. Жумладан, биргина 2008 йилнинг иккинчи чорагида «Microsoft» кўрган соф фойда ҳажми аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 11 фоизга камайиб, 4,17 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.



Мусобақадаги тартибсизлик

Теннис бўйича Мельбурн шаҳрида ўтказилган Австралия очик чемпионати баҳсларининг навбатдаги кунда мухлислар ўртасида муштлашув юзга келди.

Келишмовчилик сербиялик ракетка устаси Новак Жокочич ҳамда келиб чиқиши босниялик бўлган ва айни пайтда АҚШ фуқароси саналган Амер Делич ўртасидаги баҳс пайтида содир бўлган.

га яқин мухлис иштирок этганини ва улардан бир нафари тан жароҳати олганини келтириб ўтган. Мазкур турнирда бундан икки йил муқаддам ҳам сербиялик ва босниялик мухлислар ўртасида жанжал чиққанди.

Корхонани сотиб олмоқчи

«Pfizer Inc» фармацевтика компанияси ўзининг асосий рақобатчиси — «Wyeth» корхонасини сотиб олмоқчи.

«The Wall Street Journal» нашри «Pfizer Inc» мазкур ҳарид учун 60 миллиард АҚШ доллари билан кўпроқ маблағ ажратишни режалаштирганини маълум қилган.

Мутахассислар бу иш амалга оса, «Pfizer Inc»нинг фармацевтика бозоридagi мавқеи янада мустаҳкамланишини таъкидлашмоқда.

Улуши камайиб кетган

Кўп телефонлари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур «Nokia» (Финляндия) компаниясининг 2008 йилнинг тўртинчи чорагида олган соф фойдаси аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 60 фоизга пасайган, дейилади «France Presse» ахборотида.

Қайд этилишича, компания ўтган йилнинг сўнгги чорагида 576 миллион евро миқдорда маблағ ишлаб топган. 2007 йилда эса бу кўрсаткич 1,84 миллиард еврога ташкил қилган.

Мана шундай салбий натижалар «Nokia»нинг жаҳон бозоридagi улуши 37 фоизга пасайишига сабаб бўлди. Эслатиб ўтамиз, 2007 йилда дунё бўйича ишлаб чиқарилган мобил телефонларнинг 40 фоизи мазкур компания ҳиссасига тўғри келганди.

Дурдоналар қайтарилиши керак

Миср ҳукумати Швециядан 1920 йилда мамлакатдан олиб чиқиб кетилган 212 донга қадимий осориатқаларни қайтаришини сўради.

Археолог Захи Хавасснинг сўзларига қараганда, мазкур қадимий ашёлар Луксор, Саккара ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан Швециялик коллекционер Отто Смит томонидан ноқонуний равишда олиб кетилган. Айни пайтда улар Швециянинг Эстергетланд музофотидаги музейда сақланмоқда.

Музей директори Мария Янсен таъкидлашича, Миср талаб қилаётган экспонатлар Отто Смит вафотидан сўнг унинг оиласи томонидан тақдим этилган ва улар музейнинг қимматбаҳо осориатқалари қаторида туради.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Телевизорнинг қайси канални кўрган, кундалик газеталарни ўқиманг, дунё бўйлаб «қанотини ёзиб юрган» молиявий инқироз ҳақида сўз кетади. Интернетдаги турли-туман ахборот сайтлари-ку, шу гапдан сўз очиб, шу мавзу билан яқунлайпти, иқтисодийдаги танглик қаерда қанча одамни ишсиз қолдиргани, қайси давлатда уни юмшатиш чоралари кўрилатгани маълум қилинмоқда. «КВН»чилар ҳазил-мугтойбасида, интернетдаги латифалар сайтлари ҳам бу мавзунини четлаб ўтишмаяпти. «Нега қор ёғмаяпти?» деган саволга қувноқлар ва зукколар «Қорни ҳам қисқартиришибди», деб жавоб қилди.

Молиявий инқироз:

АСОРАТ ВА ИЗЛАНИШЛАР

Яхшиси, тоза ҳаво олиш учун ташқарига чиқайлик. Маҳаллада, пойтахтимиз хёбонларида нима гап? Одамларимизнинг манфаати, аҳвол-руҳияти қандай? Халқимиз 2009 йилни катта қониқиб, эртанги кунга ишонч билан кўтиб олди. Ҳар бир хонадонда Президентимизнинг Янги йил табригини жон қўлғимиз билан тингладик. Буни қарангки, бу йил учун устувор вазифа қилиб кишлоқни янада тараққий эттириш, фаровонлигини таъминлаш белгиланди. Кишлоқларимиз обод бўлса, ноз-неъмат кўпайса, бутун мамлакат яйрайди.

Шарҳ

Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин. Шундай деймиш-у, барибир биз яшаётган Ватан шу кенг дунёнинг ажралмас бир бўлаги, атрофдаги вазият, иқлим, озми-кўпми, таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу маънода дунё халқлари нима ҳақда ўйлаётганидан хабардор бўлишимиз керак. Ахир ҳаммамиз она замин фарзандларимиз. Қолаверса, илм-фан тараққий этган XXI асрда баъзи масалаларда масофа роль ўйнамай қолди.

Шарҳ

Молиявий инқироз нима дегани? Иқтисодчилар тили билан айтганда, товар ёки хизматларга бўлган талаб ва тақлиф ўртасидаги мувозанат бузилса, молиявий инқироз юз беради. Бир махсулотга эҳтиёж каттаю, уни ишлаб чиқарувчилар кимнингдир лафзсизлиги оқибатида етказиб беролмаса, умумий маромга таъсир қилади. Иқтисодийда учраб турадиган бундай ҳолинг табииятини тушуни олиганимиз яхши. Лекин ваҳима қилишга асло ҳожат йўқ. Ҳеч қачон ҳаёт бир текис силлиқ кетмаганидек, инсоният тарихида бундай инқирозлар илгари

тургани кўнглимизни тўқ қилади. Аҳоли ҳимояси, халқ манфаатини кўзлаган оқилона сиёсат ҳақида Юртбошимиз Ўзбекистон Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида тўхталдилар.

Ислохотларни босқичма-босқич, янги уй қурмасдан эскисини бузмай, халқни ўта қалтис даврдан эсон-омон, талафотсиз олиб

чиқиш давлатимиз раҳбарининг тарихий хизматидир. Уша синовлардан муваффақиятли ўтганимиз эндиликда барқарор ҳаётни таъминламоқда. Қаранг, 2008 йилда жами банклар сармоясининг тўртдан уч қисмига эга бўлган саккизта етакчи банкимиз умумий капитал ҳажмини 42 фоизга оширибди. Келгуси йилгача бу кўрсаткич икки ҳисса кўпайиши кўзда тутилган.

Ана шу ижобий ўзгаришларни давом эттириш, янада мустаҳкамлаш глобал инқироз билан боғлиқ жиддий синовни енгишимизга ҳафлат бўлади. Буни ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз керак. Шу маънода молиявий инқироз туфайли дунё миқёсида кўрилатган айрим чора-тадбирлар ҳақида сўз юритайлик. Табиийки, молиявий инқироз хўжалик юритувчисини, аввало, харажатлар ҳажмини қисқартиришга мажбур қилади. Демак, иш ҳақи, ходимлар ўрни, имтиёзлардан тежаш керак. Ишни юритиш учун махсулот теزроқ сотилиши ло-

зим. Бунинг учун мижоз излаш, бурютмалар қабул қилиш талаб этилади. Мижозларни жалб қилиш учун телерадио, матбуот ва интернет рекламаси хизматини гизда бўлади. Базан битта реклама юзлаб-миглаб ходимлар ўрнини босиши мумкин.

2009 йил арафасида дунёнинг кўплаб давлатлари бостириб келиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш учун турли чора-

ратилган, унинг учдан бир қисмини йўл қурилишига сарфлашга, натижада 2,5 миллионга иш ўрни яратишга ваъда берди. Халқаро кузатувчилар бу рақамларни тақдир қилдилар. Ваъда қилинган маблағ Жорж Буш маъмурияти кейинги беш йилда Ироққа йўллаган сармоядан кўп экан. Янги Президент ташаббуси АҚШ давлат бюджетига 1 триллион доллар тақчилликни келтириб чиқарган экан. Энди 2,5 миллионга янги иш ўрни кўпми, озми деган саволга жавоб излайлик. АҚШда 2008 йилнинг сентябрь ойида қўзда тутилган 284 минг ўрнига 403 минг киши ишсиз қолди. Октябр ойида эса 320 минг (прогноз 240 минг бўлган) киши иш жойларидан махрум бўлди. Ноябрьда ишсиз қолган аҳоли 523 минг нафарни ташкил этди. Бу кўрсаткич кейинги 34 йил ичида рекорд саналар экан. Ҳолбуки, иш жойлари қисқариши ҳамон давом этмоқда.

Халқаро валюта жамғармаси миссияси Ўзбекистонда молиявий инқирозга қарши амалга оширилётган тадбирларни ижобий баҳолади. Мамлакатимиз иқтисодийнинг барчаси тармоқларида, ҳар бир қорхонада кўзда тутилган кўрсаткичлар таъминланса, хўжалик субъектлари ўртасидаги ишонч мустаҳкамланса, молиявий инқироз касри юртимиздан нари кетади, деб ўйлаймиш. Бизнинг халқимизда, фарб мамлакатларидан фарқи ўларок, бағрикенглик, инсоф, диёнат, бир-бирини қўллаб-қўриш каби эзгу хусусиятлар бор. Бу жиҳатлар Европача хос дунёқараш — биқиклик, эгоцентризм тушунарли олдига устуворлик қилиб, албатта. Статистиканинг ҳеч бири бандида акс этмайдиган шарқона кадрятлар юртимизга файза-барока ато этмоғи керак.

Янги йилнинг дастлабки ҳафталаарида шундай хабар тарқалди:

Хитой иқтисодиёти ривожланиш бўйича дунёда учинчи ўринга кўтарилибди. Буни эшитиб беихтиёр «Бор экан-ку» деган фикр кўнглимиздан ўтди. Дарвоқе, Хитой Шарқ мамлакатлари сафида бўлиб, Ўзбекистон билан алоқалари тобора кучайиб борапти. Ундаги ижобий силжишлар яқин атрофдаги ҳамкорларга юқса ажаб эмас. Ҳар ҳолда яхши ниёт қилган маъқул.

Шухрат ЖАББОРОВ.

«ИПОТЕКАБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ
ИПOTEKA BANK
Номзодлар ўз шахсий резюмеларини жорий йил 30 январга қадар куйидаги манзилга топширишлари лозим: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 17-уй. E-mail: nikolenko_t@ipotekabank.uz
Кўшимча маълумотлар учун телефон: (8-371) 150-89-68, ички телефон: 081.

Назорат
Бугун юртимизда тадбиркорлар учун барча шароит муҳайё қонун ҳужжатлари, турли имтиёзлар уларнинг манфаатига хизмат қилади. Улардан талаб қилинадигани эса битта — ишни қонун асосида тўғри ташкил этиш.
ТЕЛЕВИЗОРЛАР САЁҲАТИ... БОЖХОНАДА ЯҚУН ТОПДИ
Бироқ бутун хаёли мўмай юртимизга олиб киришга уринганлар. Умумий қиймати 9 миллион сўмлик, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 28 донга рангли телевизор божхона постида тўхтатиб қолинди.
Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тежорат тадбир амударёлик бир қатор қонунбузарлар фаолиятига чек қўйди. Э. Юсупов, А. Жуманиязов, М. Саидов ва Т. Аверизиев ўзаро тил бириктириш, хорижда ишлаб чиқарилган телевизорларни чегарага яқин ҳудудда тўплаб, ноқонуний равишда юртимизга олиб киришга уринганлар. Умумий қиймати 9 миллион сўмлик, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 28 донга рангли телевизор божхона постида тўхтатиб қолинди.
Андижонлик О. Мухторовнинг ҳам қонунини четлаб ўтиб, бойлик орттириш нияти борлиги хатти-ҳаракатларидан сезилиб қолди. «Тадбиркор» божхона расмийлаштирувдан ўтказилмаган, умумий қиймати 2 млн. сўмлик 15 донга «LG» телевизори пуллаб улгурмади.

«ЎЗБЕКНЕФТАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗБЕКНЕФТАЗКАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ
Куйидаги усқуналарни сотиб олиш юзасидан 02/09-сонли ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
Лот № 1. Катта диаметрли, юқори босимли қувурлар ишлаб чиқарадиган линия.
Лот № 2. Полиэтилендан алюминли композицион панеллар ишлаб чиқарадиган усқун.
Лот № 3. Полиэтилен фитингларини ишлаб чиқариш учун термопластавтомат ва пресс формалар.
Лот № 4. Диаметри 250 мм.гача бўлган босимли қувурлар ишлаб чиқарадиган линия.
Лот № 5. ВА-1102 пиролиза печининг радиаантли қувурлари.
Лот № 6. ВА-1102 пиролиза печининг радиаантли қувурлари.
Лот № 7. ВА-1102 пиролиза печининг радиаантли қувурлари.
Лот № 8. ВА-1102 пиролиза печининг конвекционли қувурлари.
Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180100, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан кўргони.
Телефон: (998 75) 780-85-72. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: group_hr@sgcc.uz

ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН МЕҲМОН
Маълумки, мамлакатимизда валюта ресурсларидан оқилона фойдаланиш, валюта бозорини ривожлантириш мақсадида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ орамизда экспорт махсулотлари эвазига келтириладиган хорижий валютани ноқонуний тарзда четга олиб чиқиб кетаётганларнинг борлиги ачинарли ҳолдир.
Яқинда Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан катта миқдордаги хорижий валюта контрабандасига чек қўйилди. Қўшни давлатга чиқиб кетаётган фуқаро Р. Қажорова 23550 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатмаган ҳолда хуфийла олиб ўтмоқчи бўлганда, божхоначилар томонидан фож этилди.
Мехмондўстлик халқимизга хос. Бироқ тузингизни еб, тузлигингизга ҳам кўз олайтирган «мехмон»нинг ноқонуний ҳаракатлари қандай атаса бўлади? Фарғонага меҳмонга келиб юртига қайтаётган Н. Муротова божхоначилар томонидан текширилганида, ёнида 30300 АҚШ долларини ноқонуний тарзда олиб кетаётгани аниқланди.
Тошкент вилоятида яшовчи фуқаро К. Пакиннинг хатти-ҳаракати ҳаммасидан ошиб тушди. У нафақат ноқонуний тарзда 12700 АҚШ доллари, балки 5 та фуқаролик паспортини ҳам қўшни давлатга олиб чиқиб кетаётганда, божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.
Ҳозирда юқоридagi қонунбузарлик ҳолатлари бўйича суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.
А. АБДУРАҲМОНОВ,
Давлат Божхона қўмитаси матбуот котиби.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Донишмандлар қадим замонлардан сир сақлаш одобу қондаларини баён этишаркан, аввало, инсоннинг сабр-қаноати, иродаси, босқинлигига эътибор қаратадилар. **Инсонийлик шаъни** – вазиятга тўғри баҳо бериш, камсукумлик, донолик, ор-номус билан ҳам белгиланишини, аммо у ички қалъада сақланишини, ҳиссиёт, нодонлик, вазваса, ғийбат ва иғво каби иллатлардан қўриқланишини уқтирадилар. Қисқаси, ҳиссиётини, руҳий тугўнини ақл посбонлигида асрай олган киши саодатманд, хирадманд, комил инсондир.

СИР САҚЛАШ ОДОБИ

Нақл қилинишича, одам ўз сирини беш хил кишига айтмаслиги лозим. Булар, макру хийлали аёл, иккинчиси балоғатга етмаган бола, учинчиси тентак, тўртинчиси бировга тобе хизматчи, бешинчиси синалмаган дўст. Ҳўш, бу тоифа кишилардан сирини пиҳон тутмак сабаби нимада? Соҳиб фикратлар айтадиларки, енгилтак ва макр соҳибаси бўлган аёлга сир бой берган киши бамисли оловга пахта ташлаб, унга "куйма" деб буюрган кишига ўхшайди. Болага гуллаб қўйган эса худди сувга кўза ташлаб, ундан "хўл бўлма" дея илтижо қилаётган ахволотидек. Тентак-ла дардлашган киши мушукка гўш ташлаб "ёма" деб таллаб қилаётган кимсадекдир. Бирор тасодиф туйфайли бировга қарам ва тобе бўлиб қолган кишига сир айтганнинг қилмиши гўё ит олдида суяк ташлаб, унга "гаҳима" деб сўз қотаётган нодон қилмишига монанд. Синалмаган дўстга "ичини очган" эрса, ўзини дарёга отиб, сўнг мантқисиз ра-

даи шармсорликдан ташқари ажални бемаҳал чорламоқ кабидир. Ривоятлардан бирида шундай ибратли воқеа нақшланган. Қадим замонларда мартабали, бой-бадавлат, таъсири кучли бир амалдор яшаган экан. Кунлардан бир кун у ухшаматига "Бир сирим бор, уни шу пайтгача дилимда сақлаб юрибман. Шунга айтман" деб-деди. Шунда хоҳасига ўз садоқатини кўрсатиш мақсадида хизматкор ибратли байт келтирибди.

Тафаккур бўстони


Жоним таним ичра бор экан пинҳон, Сиринг жоним ичра яширин мудом.

Амалдор бу байтдан ишончи мустаҳкам тортиб, дилидагини айтибди. "Иш уюсадидаги шеригимнинг калтабинлигидан хафаман. Унинг зарари ишонага, кўл остимдагиларга, муомаламга пўтур бермасидан бурун, уни ўзимдан йироқлаштиришмоқчиман". Хизматкор эса вафо ва садоқат риштасини узиб, нопок манфаатини ўйлаб амалдорнинг шериги ёнига бориб, ҳамма гапни қўшиб-чатиб сўзлабди. Амалдорнинг шериги, албатта, бундан хулоса чиқариб, шундай иш тўғрисида, у нима қиларини билмай, душманчилик тузоқларига дош беролмай оламдан ўтибди. Амалдорнинг шериги унинг барча молу мулки баробарида амалини ҳам қўлга киритибди. Шундан сўнг, энг биринчи иши сифатида собиқ амалдор хизматкори бошига ит азобини солибди, алал-оқибат қотил ёллаб, хизматкорни ўлдиришдан олдин унга қўлидаги байт-ни айтишни уқтирибди.

Тилинг бўлса эди сир учун йўлдош, Қиличдан узилмас эди асло бош.

Ҳақиқатан ҳам, ўйламай-нетмай, оғизга ақл тўғони ила тўсиламай келган сўзларни сочмак шарман-Кўриниб турибдики, сир сақлаш ҳам одоб, ҳам хазина. Унга рия қилмасликнинг оқибати мусибатга ақинлашини, обрўни тўкишни аңглатади. Бинобарин, унутмайликки, улуғларимиздан мерос яна бир қадрилик ҳикмат бор: "Икки кишининг бирга ўтириб қилган суҳбатдаги гаплари омонат. Суҳбатдошининг сирини фош қилиш ҳаромдир."

А. ҚУТБИДИНОВ тайёрлади.



Истиклол йилларида обод манзилга айлантирилган Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолик Ғиждувоний, Сайид Амир Кулол, Чорбакр, Хожа Исмаилов Бухорий қадимжоларидан зиёратчилар оқими узилмайди. Бухоро шаҳрининг маркази ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани ҳам беҳиз эмас.

— Ҳар гал невараларим билан шаҳримиз қадимий обидаларини томоша қилганимда кўнглим яшнайдди, — дейди кекса отахон

Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан республикамиздаги барча қадимий шаҳарларда бўлгани каби Бухорода ҳам бой маданий меросни асраб-авайлаш, ёдгорликларни таъмирлаш, зиёратгоҳларни обод этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Кўҳна Арк қалъаси, Калон Масжиди, Минаора Калон, Сомониёлар мақбраси, сўлим Лабиҳовуз, Нодир Девонбеги, Чорминор каби ўнлаб маданий мерос иншоотлари Бухорои шариф ҳуснига узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди.



Ватан манзаралари

БУХОРО ЖОЗИБАСИ

Ҳожикурбон Ҳайитов. — Улар Президентимиз саъй-ҳаракати билан кўз қорачигидек асралаётганига шохид бўлиб, тўлқинланиб кетаман. Невараларимга "Бу — Мустақиллик нэммати", дея бот-бот уқтираман...

Шуниси муҳими, ёдгорликларни асраш, таъмирлаш орқали улар умрига умр қўшиш, шўролар тўзуми исканжасида йўқ бўлиб кетган қадимий иншоотларни қайта тиклаш иш-

лари изчил давом этапти. Бунга Бухоро амрларининг ёзғи қароргоҳи вазифасини ўтаган Ситорай Моҳи Хосса музейида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мисол бўла олади. Яқинда эса шаҳарнинг қадимий қалъасига туғаш дарвозалар ўрни аниқланиб, уларни қайта тиклаш ишлари қиришилди. XVI асрда барпо этилган Шайх Жалол ҳамда Самарқанд дарвозалари архив

ҳужжатлари ва фотосуратлар асосида қайта қурилмоқда.

— Бу ҳаракат Бухоро ёдгорликларини сақлашнинг 2008-2009 йилларга мўлжалланган давлат дастурига мувофиқ амалга оширилмоқда, — дейди маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси бошлиғи Тўйғун Бобоев. — Дастурнинг иккинчи қисми 2020 йилгача мўлжал-

ланган бўлиб, шу даврда ўнлаб маданий мерос объектлари таъмирланади.

Олмосга сайқал берилгани сайин жозибадор бўлгани каби қадимий Бухоро ҳам Мустақиллик шарофати билан тобора чирой очмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.
Б. АКРАМОВ
олган суратлар.

— **Халқимизда "Саломатлик — туман бойлик" деган ҳикматли нақл бор, — дейди Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Мели Ҳусанов. — Дарҳақиқат, инсон учун соғлиқдан кўра афзалроқ бойлик йўқ. Ана шу хазинани асраб-авайлаш катта масъулиятдир. Давр билан ҳамнафас бўлган, тинмай ўқиб-ўрганган, энг янги замонавий тиббий техникасига таянган шифокоргина бу талабга жавоб бера олади.**

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ МАСКАНЛАР

Бугунги кунда вилоятимизда 11050 ўринли 87 та шифохона, 363 та амбулатория-поликлиника муассасаси, 10 та диспансер ва 3 та санаторий аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларда 5193 нафар врач ва 25795 нафар ўрта махсус маълумотли тиббий ходими меҳнат қилмоқда. Врачларимизнинг ҳар бештасидан биттаси олий, тенг ярми биринчи тоифа малакасига эга. Тиббийёт муассасаларида битта фан доктори, 30 та фан номзоди бевосита даволаш ишлари билан шуғулланмоқда. Булар вилоят аҳолисининг саломатлигини етарли даражада муҳофаза қилиш учун катта имконият. Шу билан бирга ҳозирги вақтда тиббийёт соҳасига янги қанчалар кўпайиб кетди.

Тиббийётдаги ислохотларнинг энг муҳим йўналиши беморларга юксак даражада тиббий хизмат кўрсатадиган шифохоналар тизимини барпо қилишдир. Бугунги кунда вилоятда 36 та ихтисослаштирилган шифохона ишлаб турибди. Уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, замонавий техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун катта маблағ сарфланмоқда. Фаолият тури ва имконият даражасига қараб мақоми ҳам ўзгар-

моқда. Ўтган йил мавжуд шифо масканлари неғизда кўп тармоқли тиббийёт маркази, болалар кўп тармоқли тиббийёт маркази, тиббий диагностика маркази ва урология тиббий маркази таш-

Спорт • Sport • Спорт

ТЕННИС ЖИҲОЗЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори теннис ҳам жадаллик билан ривожланиб бораёпти. Айниқса, кейинги йилларда ёш иқтидорли теннисчиларни тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларида қад ростлаган замонавий теннис кортларида минглаб ёшлар машғулотларда қатнашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги "Республика Олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳам теннисимиз ривожини йўлга қўйган муҳим қадам бўлди, деб айтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда ягона бўлган Республика Олимпия захиралари теннис мактабида ёш теннисчиларнинг ўқув-йигин машғулотларини ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Ҳозир бу ерда халқаро талабларга жавоб берадиган 17 та очик, 3 та ёпиқ замонавий теннис корти фаолият кўрсатмоқда.



Кеча мазкур масканда пойтахтимиздаги теннис клубларида зарур спорт жиҳозларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу жиҳозлар Ўзбекистон теннис федерацияси ва "UzGazOil" компанияси томонидан берилди. Тадбир доирасида ҳамюртларимиз, таниқли теннис ustalари — Олег Огородов ва Ирода Тўлағановалар ёш теннисчиларга ўз кўргазмали чиқишларини намойиш этидилар.

— Албатта, иқтидорли спортчиларни тарбиялаш учун, биринчи навбатда, яхши имконият яратилган бўлиши лозим, — дейди Ирода Тўлағанова. — Шу ўринда мамлакатимизда спорт билан шуғулланаман, ўз саломатлигимни мустаҳкамлайман деганлар учун ҳамма шароит етарли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугун топширилган жиҳозлар ҳам ёшларимиз учун ўз иқтидорларини янада оширишга хизмат қилади.

Зиёуллоҳ ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.
Темур ҚУРБОНОВ
олган сурат.

Спорт • Sport • Спорт

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати ва Қасаба уюшма қўмитаси Журналистика факультети декани Қурат Эрназаровга волидан муҳтарамаси

ШОҲИДАХОН онанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"93-Махсус трест" ОАЖ жамоаси бош директор ўринбосари Миралим Жалиловга укаси

Сурыат ЖАЛИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

НОВЫЙ NISSAN X-TRAIL

Товар сертифицирован

X-TRAIL
Надежный, мощный, технологичный новый Nissan X-TRAIL – Ваш пропуск в мир незабываемых технологий.

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане – компания Premium Auto. ☎ 295 88 77
Цена от \$ 51 000, гарантия – 2 года, или 50 000 км пробег + **ОСАГО** в ПОДАРОК

ОБ-ҲАВО (24 январь)

Республика гидрометеорология хизмати марказининг хабар қилишича

Ташкент шаҳрида. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайдди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Тунда 0-2, кундузи 10-12 даража илқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида. Ёгингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятларида. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайдди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража илқ, айрим жойларда 2 даража совуқ бўлиши ҳам мумкин. Кундузи эса 7-12 даража иссиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий ҳудудида кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида. Ёгингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Ташкент вилоятларида. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайдди. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илқ бўлиши мумкин.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида. Ёгингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Фарғона водийсида. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайдди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илқ атрофида, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конституция палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буяртма Г — 57. 50806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар **Жамшед Тоғев** ва **Мухаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30
Топширилди — 22.30

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Ташкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусахҳах — Ҳ. Тошқужаев.